

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:336:658(575.1)

**ФАЙЗИЕВА НИЛУФАР ШУХРАТ ҚИЗИ**

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:Худойқулов Садирдин Каримович  
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Тошкент 2022 йил**

## **Мундарижа**

Кириш.....	3
<b>I-БОБ. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1 Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш асослари.....	16
1.2. Давлат тадбиркорлиги ва унинг фаолиятни молиялаштириш билан узвий боғлиқлиги.....	32
1-боб бўйича хулоса.....	47
<b>II-БОБ. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b>	
2.1. Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш амалиёти.....	50
2.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий бизнес режанинг бажарилиши таҳлили.....	66
2.3. Давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг қўлланилиши таҳлили.....	96
2-боб бўйича хулоса.....	101
<b>III-БОБ. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАР</b>	
3.1 Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш ва уларнинг молиявий активларини баҳолашнинг хориж тажрибаси.....	101
3.2 Давлат иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш жараёнида муаммолар ва уларнинг илмий-назарий ечимлари .....	112
3- боб бўйича хулоса.....	127
Хулоса ва таклифлар.....	130
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	134

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, охирги ўн йилликда жаҳон мамлакатларида давлат ва унинг иштирокидаги корхоналарининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ошди, дунёдаги йирик компанияларда уларнинг активлари ҳажми 45 трлн АҚШ долларидан ошиб, жами корхоналар активларининг йигирма фоизини ташкил этади.<sup>1</sup> Кучли еттилик давлатлари қаторига кирган АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия каби давлатлар амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу каби давлатлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида ҳам, айниқса, 2007-2008 йилларда бошлаб юзага келган жаҳон молиявий инқирози давридан тортиб бугунги даврда ҳам давлатнинг иктисодиётдаги улушини кучайтириб бориш сиёсати мавжудлигини кўриш мумкин. Бунда йирик молиявий институтлар (банклар, суғурта компаниялар), ер ости бойликларни қазиш ва қайта ишлаш саноати, нефть, химия, фармокология, темир йўл, почта ва шу каби соҳа ва тармоқларни давлат ўз назоратида қолишга интилишлар айрим ҳолларда кучайганлигини кўрадиган бўлсак, айрим ҳолларда бу ҳолатларга давлат молиявий активларни киритиш жараёни ошиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, Францияда миллий Париж банкининг саксон фоизи, Париж суғурта компаниясининг етмиш беш фоизи, шунингдек, ер ости бойликларни қазиш ва қайта ишлаш саноати, нефть, химия, фармокология тармоқларидағи корхоналарнинг жами активларнинг эллик фоизидан кўпроғи давлат молиявий активларини ташкил этса, Италияда ялпи ички маҳсулотнинг қирқ фоизидан кўпроғини, Германияда корхоналарга тегишли бўлган асосий фонdlарнинг йигирма фоизини, ер мулкининг эллик фоизидан ортиғи ҳажмида давлатнинг молиявий активларининг ҳиссаси ёки давлат мулки доирасида фаолият кўрсатмоқда.

---

<sup>1</sup> <https://www.imf.org/ru/publications/fm/issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>

Жаҳон бозоридаги бугунги тенденциялар давлат иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш жараёнларини янада такомиллаштириб боришни тақозо этиш бир қаторда, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишида бу турдаги корхоналарни ислоҳ қилишга кенг эътибор бермоқда. Ҳар қайси олинган миллий иқтисодиётни баркарор ривожлантиришнинг муҳим омиллари сифатида корхоналарнинг молиявий фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш анчайин кучайиб борди. Бу жараёнда давлат мулки ва унинг иштирокидаги корхоналарда молиялаштириш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш устуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий фаолияти, жумладан диведенд сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молиявий бошқарувни амалга ошириш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий қилиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва шу каби йўналишда бир қатор муаммолар уларда молиялаштириш механизmlарининг тўлақонли ишлаш борасида кенг камроқли чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан бугунги кунда бу борада бир қатор муаммолар уларнинг молиявий фаолиятига тўққинлик қилиб келмоқда.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача кисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилиб келинаётган бўлсада, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг етарли даражада асослантирмасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлиши, уларда корпоратив